
*Орамиздиги инсонлар*
МЕҲР ЧАШМАСИ
*2-бет.*

*«САЛОМАТЛИК-1» ЛОЙИҲАСИДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ*
*3-бет.*

Ушбу сонда


НОМИ ОДДИЙУ ДАРДИ ОҒИР
*7-бет.*

ОЖОГ — ДЕЛО СЕРЬЕЗНОЕ
*8-я стр.*



# ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА


«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир, қўллари қизларнинг қўлларидек майин, ақли илон каби донишманд, қалби шерникидек довюрак бўлиши керак».



«Врач должен обладать глазом сокола, руками девушки, мудростью змеи и сердцем льва».

*Абу Али ибн Сино.*


Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган. № 46 (302) 2002 йил 19 — 25 ноябрь. Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.


# ҲАЁТ — ДОИМИЙ КУРАШ ДЕМАКДИР

## Ўзбек халқ табобати биринчи қурултойи қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга МУРОЖААТИ



**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

Истиқлолнинг эркинлик шарофати туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида беқиёс тарихий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, бу илҳомбахш сиёсат халқимизни буюк келажак барпо этишдек олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Мамлакатимизда, барча соҳаларда бўлгани каби, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу қисқа давр мобайнида катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Биз ўзбек халқ табобати вакиллари ҳам ана шу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш баробарида, кенг жабҳада барча имкониятларимизни ишга солиб, фаол ҳаракат бошламоғимиз лозим деган қарорга келдик.

Бутун дунё аҳли шу кеча-кундузда асрлар давомида сайқалланиб, замонлар имтиҳонидан ўтган халқ табобатига мурожаат қилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1972 йилдан бошлаб халқ ва анъанавий табобатни қўллаб-қувватлаш жараёнини бошлаб берди.

Шуниси қувонарлики, тиббиёт илмига асос солган улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино таълимоти башариятнинг нодир дурдоналаридан бири эканлиги бутун дунёда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бобокалонимиз таълимотидан халқ саломатлиги йўлида имкон қадар кенг фойдаланмоғимиз ва бу йўлда собитқадамлик билан ҳаракат қилмоғимиз давр талаби бўлиб қолди. Табиий даволаш воситаларидан фойдаланиш дунёда кун сайин қулоч ёймоқда. Дунё аҳли Сино таълимотига ва табиийки Сино юртига ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Серқуёш Ўзбекистонимизнинг табиий дори воситаларига хорижда ниҳоятда катта эҳтиёж пайдо бўлди. Биз учун бу албатта қувонарли ва биз бу имкониятдан кечиктирмай фойдаланмоғимиз лозим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда табиий дори воситаларини ишлаб чиқариш ва ҳаётга тадбиқ қилиш борасида қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. Халқ табобатини ҳар томонлама кенг тарғиб қилиш яхши ижобий натижаларга олиб келди. Сизнинг халқ табобатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон халқ табобати Академиясига йўллаган мактубингиз бизни янгидан-янги ижодий ишларга илҳомлантирди. Биргина халқ табобати Академиясида бугунги кунда 23 турдаги халқимиз учун ниҳоятда зарур табиий дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакат тарихида илк бор «Шарқ табобати» журнали таъсис қилинди ва уч йил давомида узлуксиз нашр этилмоқда. Табиблар фаолияти ўрганилмоқда.

Аммо соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларининг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек халқ табобатини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган иқтисодиётини янада юксалтиришда беқиёс имкониятларга эга бўлган ўзбек халқ табобатининг мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйиш, маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларини экспорт қилиш, халқимизни арзон ва мутлақо зарарсиз бўлган, ўз заминимизда ўсадиган табиий дори воситалари билан таъминлашни амалга ошириш, қадимий қўлёзмаларимиздаги мавжуд 4000 дан зиёд дори воситаларини ўрганиб, мамлакатимизда тезроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларнинг зудлик билан ҳал қилиниши замон талаби бўлиб қолди.

Умуман ўзбек халқ табобати таълимоти расмий жиҳатдан эътироф қилинмоғи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим. Чунки ўзбек халқ табобати замонавий илмий тиббиётни ҳар томонлама ривожлантириш ва мукаммал илм даражасига етказа олиш қудратига эга.

Халқимиз истиқлол шарофати туфайли ўз табобатидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган айни вақтда шундай имкониятни яратиш учун ҳукуматимизнинг расмий бир ҳужжати юзага келиши зарурати пайдо бўлди. Зеро, бу қарорнинг халқ саломатлигини сақлаш йўлида фойдаланилмаётган мавжуд имкониятлардан фойдаланиш борасидаги залворли бир қадам бўлишига ишонамиз. Дунё тиббиёти саҳнида катта обрўга эга бўлган ўзбек халқ табобатининг қайта тикланмоғи ва мустақил ривожланмоғи учун мамлакатимизда етарли шарт-шароит мавжуд.

Халқ табобати расмий мақомга эга бўлган Хитой, Ҳиндистон, Непал, Бирма, Вьетнам, Япония каби мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганар эканмиз, ўзбек халқ табобатини расмий мақом йўлида ривожлантириш учун бор имкониятдан фойдаланамиз.

Мазкур қарор ижросининг моддий таъминотини Ўзбекистон халқ табобати Академиясига юклатилишини сўраймиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Биз яна бир савоб иш бошладик. Сизга йўллаётган мурожаатимиз шу бузруг савобнинг дебочасидир. Истиқлол нурлари мусаффо осмони узра таралган, Оллоҳ нури ёғилган бу заминда савоб ишларимизнинг рўёбга чиқиши барҳақ.

Сизга Камоли эҳтиром ва комил ишонч билан мустаҳкам соғлиқ тилаб қолувчи ўзбек халқ табобати биринчи қурултойи қатнашчилари номидан

**Музаффар Ҳайруллаев,** *Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги,*
**Ҳусан Турсунов,** *Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги,*
**Ҳабибулла Алиев,** *Тиббиёт фанлари доктори, профессор,*
**Саййид Эргаш Йўлдош ҳожи,** *табиб, тиббиёт фанлари номзоди,*
**Умархон Аҳмедов,** *табиб,*
**Абдулазиз Сайиднуриддин,** *табиб,*
**Раҳматжон Аҳмедов,** *Ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти ректори, жаҳон тиббиёт академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор,*
**Иброҳимжон Асқаров,** *кимё фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи,*
**Фармон Нурбоев,** *ЮНЕСКО Шарқ табобати кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди,*
**Карим Сафаров,** *Хоразм Маъмун Академияси вице-президенти, биология фанлари доктори,*
**Муҳаммад Ҳамроев,** *Ўзбекистон халқ табобати Академияси бошқаруви раиси.*





Бугунги саҳифамиз меҳмони Навоий вилояти.
3-4-5-6-бетлар.


## ЯНГИ АСР ТАБОБАТИ

***Куни кеча Тошкентда ўзбек халқ табобатининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди.***

Шу кеча-кундузда бутун дунёда амалда қўлланилаётган замонавий тиббиётга бизнинг тупроғимизда – Бухорода асос солинган. Афшоналик бобомиз Ҳусайн табиб «Тиб қонунлари»ни ёзиб қолдирмаганида балким бизнинг юқоридаги фикримиз унча ҳам тўғри бўлмасди. XII асрдаёқ Герард Кремонский тарафидан лотин тилига ўгирилган «Тиб қонунлари» Европа қитъасини забт қилди ва бутун дунё медицина мактабларида 600 йил давомида асосий дарслик сифатида ўрганилди.

Яқин 200 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида таркиб топиб, тобора ривожланиб бораётган дунё тиббиёти Ибн Сино таълимотидан узоқлашиб кетди. Бу тиббиётнинг муваффақиятлари-ю, қўлга киритган ютуқларини таърифлашга тил ожиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник тараққиётнинг тиббиёт соҳасига кириб келиши, ташхис қўйиш ва муолажа амалларини бир мунча енгиллаштирди. Дори-дармонларнинг кимёвий синтез йўли билан саноат даражасида ишлаб чиқарилиши беморларнинг жонига оро кирди. Афсуски, ички хасталиклар, асаб-руҳий касалликлари, наслий-ирсий иллатлар, хавфли шишлар, тери ва турли хил аллергия каби дардларни даволаш долзарб муаммолигича қолаверди. Бунинг устига 20 минг турдан ошиб кетган кимёвий ҳабдориларнинг ҳар бири бемор вужудида учтагача янги касаллик пайдо қилиши мумкинлиги маълум бўлиб қолди. Расмий тиббиёт бир неча минг йиллик халқ табобати илмий-назарий меросидан баҳраманд бўлмай, янгидан-янги, кўпдан-кўп муаммоларга дуч келиб қолибди.

Эътиборан 1972 йилдан бошлаб Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти халқ ва анъанавий табобатни кенг миқёсда ўрганиш жараёнини тарғиб қила бошлади ва 1977 йилда шу ташкилот Ассамблеяси халқ табобати соҳасида илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтиришга доир махсус қарор қабул қилди. Бунга замонавий тиббиёт амалиётида вужудга келган вазият ва муҳим асослар сабаб бўлган эди, албатта. Бизнинг мамлакатимизда халқ табобати қандай аҳволда? Ўзбек халқ табобатини ким ўрганаяпти? Табобатимиз ривожланаяптими? Расмий тиббиёт ва ўзбек халқ табобатини муштарак ривожлантириш қандай натижаларга олиб келади? Табиблар фаолият кўрсатаяптиларми? Уларнинг савияси, билими қай аҳволда?

29 октябрь куни Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтган ўзбек халқ табобатининг биринчи қурултойида юқорида тилга олиб ўтилган масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Қурултой ишида жами 260 киши, 16 та чет эллик меҳмонлар қатнашди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, профессор З. Солихўжаев ва Ўзбекистон халқ табобати Академияси илмий кенгаши раиси, химия фанлари доктори, профессор И. Асқаровлар халқ табобати дори воситаларини тезроқ халққа етказиб бериш йўлларини излаб топиш хусусида гапирдилар. Қурултойда жуда кўп гиёҳлар билан даволовчи табиблар, руҳий табиблар ва амалиётчи табиблар, шифобахш доривор гиёҳлар, асалари маҳсулотлари етказиб берувчи доригарлар қатнашдилар.

Қурултойда кўтарилган ва мамлакат миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан қурултой қатнашчилари бир овоздан Президентимиз Ислом Каримов номига мурожаат қабул қилдилар.

**Гавҳар АЛИЗОДА.**


ИНДЕКС



*Газетамизга исталган алоқа бўлимларида обуна бўлинг.*

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА
— 127

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.

«Саломатлик» лойиҳаси
Project «Health»
Правительство Республики Узбекистан



ПРОЕКТ: "Здоровье"
ПРОЕКТ В СТАДИИ РЕАЛИЗАЦИИ № 29
Международный банк реконструкции и развития
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ № 2 19.11.2002

# ИЛМЛАР КЎП, ҲАҚИҚАТ ЭСА ЯГОНА

## БАХТИМ БОР ЭКАН

**Асуда ХАЛИЛОВА – 65 ёш. Шўркўл ширкат хўжалиги уй бекаси.**

– Кўп йиллардан буён астма касаллиги билан оғриб келаман. Бундай бедаво дардни ўз вақтида даволатмасангиз жуда қийин бўлар экан. Оилавий юмушлар, дала ишлари боис бўлса керак ўз соғлигимга бефарқ бўлганимни бугунги кунда жабрини тортаяпман. Дард жонимдан ўтдики, мен мажбурман танамдаги дардимни, тортаётган азобимни тўғри айтишга. Сабаби ҳар бир инсон ҳам ўз соғлиғига эътиборсиз бўлмасин. Лекин ана шундай дардларга даво айлаётган шифокорлар бор экан, Оллоҳга беадад шукурлар бўлсин. Айниқса, ширкат хўжалигимиз ҳудудида очилган Шўркўл қишлоқ врачлик пунктининг шифокор ва ҳамширалари меҳнатидан ниҳоятда хурсандман. Мана, олти йилдирки, ушбу тиббиёт муассасаси очилди-ю, аҳолига осон бўлди. Олдинлари бир неча километр йўл босиб марказий шифохонага саргардон бўлиб бориб келардик. Эндиликда эса бундай қийинчиликлар барҳам топди. Анализ дейсизми, ётиб даволаниш дейсизми ҳаммаси шу мўъжазгина масканнинг ичида бажарилади. Ўша пайтларда йилига икки марта марказий шифохонада даволаниб қайтар эдим. Бахтим бор эканки, билимдон шифокор ҳамда ҳамшира қизларимнинг тиббий ёрдамларидан баҳраманд бўлиб, дарддан фориғ бўляпман. Яна шуниси борки, улар менга дори-дармонларни бепул беришади.

Гоҳида касалим кечқурунлари хуруж қилиб қолади. Болаларим югуриб бориб, маҳалламиздаги ҳамшира Ферузани чақириб келишади. Қаранг-а, «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деганларидек, ҳамшира қизимни кўришим биланоқ дардим чекина бошлайди. Муолажадан кейин эса соппа-соғ одамга айланаман. Қишлоқ врачлик пунктимизда биттагина билими ўткир, чаққон, хушмуомала дўхтир Юлдузхон қизим бор. Ана шу ишларнинг ҳаммасига ўзи бош бўлиб келмоқда. Умри узоқ бўлиб, ишлари доимо ривож топсин, деб дуо қиламан. Қани энди шундай мухбирлар келиб турса-ю биз улар билан тез-тез суҳбатлашиб турсак. Чунки халқ соғлиги – давлат бойлиги бўлса, халқ эътирофи эса, фаолиятга берилаётган баҳодир, деб ўйлайман.



**Абдураҳмон НОСИРОВ – Навоий вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи.**

## ҲАМЖИҲАТЛИК АСНОСИДА

– Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг «Бемор борки, уни сўз билан даволаса бўлади» деган сўзлари «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишларнинг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил этади десам хато бўлмас. Айтиш лозимки, қишлоқ врачлик пунктларининг иш бошлагани қишлоқ шароитидаги аҳолининг тиббиётимизга бўлган саводхонлиги-ю, ўз соғликларига бўлган эътиборни янада оширди. «Саломатлик» лойиҳасининг афзаллик томони шунда бўлдики, оилавий тиббиётнинг ривожланиши оила аъзолари касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш оиладаги соғлом одамлар билан ишлаш имконини яратди. Демоқчи бўлганим, умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалар беморнинг фақат дардинигина эмас, балки унинг туриш-турмуши, табиатини ҳар томонлама ўрганишлари лозим. Чунки бемор ва соғлом одамларнинг ҳар бири ўзаро муносабатларни янгича шакллантиришга олиб келган ҳолда тиббиёт ходимларини оилаларининг яқин дўстига айлантирадилар. Мен қисқа бўлса-да юқоридаги фикрларимни исботи сифатида 2002 йил апрель ойида бўлиб ўтган халқаро анжуманни тилга олиб ўтмоқчиман. Ушбу анжуманда кўпроқ оила шифокорлари тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланган эди. Мана эндиликда ана шундай фикр, мулоҳазалар амалий натижалар сари йўналтирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир тиббиёт ходимининг фаолияти беморнинг бетакрор, мураккаб, ўзига хос хулқ-атвори билан боғлиқдир. Бугунги мураккаб даврда шифокору ҳамширалар ўзларини тута билишлари, сабр тоқати ҳамда касбий бурчларини севишлари ва беморга ғамхўр бўлишлари барчаси «Саломатлик» лойиҳасида ўз аксини топмоғи лозимдир. Лойиҳа доирасидаги ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Олдимизда улкан режалар турибди, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта эканки, ҳамжиҳатликда ишлаганга ҳеч нарса етмайди. Мен лойиҳа доирасидаги мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан. Сабаби, улар бошлаган иш фаолиятимизда янада катта бурилиш ясади.

## СОҒЛОМ БЎЛСАНГ ҲАМ

**Ҳурмат ИСЛОМОВА – Конимех туман Шўркўл ширкат хўжалиги, уй бекаси – Шўркўл ҚВП.**

– Ҳанузгача касал бўлиб, бирор ерим оғригани йўқ. Уч фарзандим дунёга келгунига қадар шифокорлардан маслаҳатлар олдим. Болаларимни ўз вақтида тиббиёт ходимлари назоратидан ўтказиб, керакли йўл-йўриқлар асосида парвариш қилдим. Ўша пайтларда ҚВП фаолият кўрсатар, лекин бундай шарт-шароитлар йўқ эди. Мустақиллигимиз шарофати бўлса керак ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар сингари тиббиётда ҳам кўплаб янгиликлар бўлаётганлиги бизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Биргина мисол ҳудудимиздаги замонавий қишлоқ врачлик пунктининг қад кўтариши, қимматбаҳо жиҳозлару тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланиши, бир-биридан хушмуомалали дўхтирларнинг фаолияти ҳаммамизни қувонтирмоқда. Ширкат хўжалигимизда 5785 нафар аҳоли истиқомат қилади. Осон эмаски, шундай катта аҳоли билан ишлаш, уларнинг дардларига даво айламоғу қалбларига йўл топмоқ. Чунки, «Беш қўл баробар эмас» деганларидек, одамлар ҳам турли-хулқ атворда бўлишади. Тўғри, шифокорга ҳар томонлама қийин. Даврнинг талаби кундан-кун ортиб, фаолиятдаги масъулиятни янада кучайтирмоқда. Тиббиёт ходимлари айнан биргина бемор билан эмас, балки оиланинг бутун аъзолари билан соғлик борасида иш олиб бораётганликлари айни муддао бўлмоқда.

Гар оиламизда касал бўлмасада ҚВПмиздаги ҳамшираларнинг хонадонимизга тез-тез келиб, турли мавзулардаги суҳбатлари касалликларни олдини олишда қўл келмоқда. Ундан ташқари маҳалла фаоллари, мактаб жамоасидаги ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўтказилаётган йиғилишлар ҳам аҳолининг тиббий саводхонлигини янада оширмоқда. Бир нарсани айтишни жоиз деб биламанки, соғлиғимиз яхши бўлган тақдирда ҳам шифокорлар назоратидан ўз вақтида ўтиб, тиббиёт олдидаги қонун-қоидаларга риоя қилсаккина, умримизга завол бўладиган касалликларга чек қўйган бўламиз. Аҳолилар оғирини енгил қилиб, замонавий ҚВПларни ишга туширган мутасадди раҳбарларга минг бора ташаккур дейман.

***Тиббиёт бошқа соҳаларга қараганда тубдан фарқ қилади. Чунки изланганинг сари янгиликлар келиб чиқаверади. Шуниси борки, эскирмайди ҳам. Лекин тиббиёт ёлғонни ёқтирмайди. Ахир инсоннинг асосий ҳаёт мамоти шу соҳага келиб тақалади. Шунинг учун, инсон соғлиғи энг муҳими ҳисобланади. Дарҳақиқат, халқимиз соғлиги учун яратилаётган ҳар қандай ғамхўрликлардан фахрлансак арзийди. Биргина мисол: «Саломатлик» лойиҳасининг фаолияти бундан мустасно эмас. Келинг яхшиси вилоятимизда лойиҳа доираси асосида амалга оширилаётган ишлар кўламига назар ташлайлик.***

# НАЗОРАТСИЗ САМАРА БЎЛМАС



**Қуддус АБДУЛҚОДИРОВ, Навоий вилоят «Саломатлик» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бюроси директори.**

**1-КОМПОНЕНТ (ҚВПларни қуриш ва жиҳозлаш)**

1996-2002 йилнинг биринчи ярмида умумий ҳисоб бўйича вилоятда 80 та ҚВП қурилиб ишга туширилди. Яна 10 та ҚВП қурилмоқда. Жорий йилнинг охирида ҚВПлар сони 90 та бўлади. 80 та ҚВПдан 63 таси янги лойиҳа асосида қурилган, 17 таси эса мослаштирилди. Фаолият кўрсатаётган ҚВПларнинг 32 таси – I типда, 40 таси – II типда, 8 таси – III типда. Албатта ҳар бир ҚВПни қуриб, ишга тушириш ўз-ўзидан бўлган йўқ. Бу ўринда вилоят ҳокимлигининг меҳнати катта бўлди. 5 йил давомида жами 2.201,182 минг сўм ажратди. Агар ҳисоблаб кўрадиган бўлсак, бир ҚВПнинг ўртача нархи 28 млн. 586 минг сўмни ташкил этади. Биласизки, қурилиш нархлари йилдан-йилга ошмоқда.

ҚВПларнинг 180 тасида ҳам иссиқ ва совуқ сув, бинони иситиш тизими, канализация, электр тармоғи мавжуд бўлиб, 71 тасида телефон алоқаси бор. Лекин вақти-вақти билан сув ва электр энергияси бўлмай қолади. ҚВПларда қолдириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш учун 45 хил дoридан 35-37 хил дори бор, бу бор бўлиши керак дорининг 82,2 фоизини ташкил этади. Жаҳон банки берган қарз пул ҳисобидан 41 та ҚВП, 26 та ФАП ва 9 та лаборатория жиҳозланди. Шу жумладан, 67 та ФАП, 38 та ҚВПларга жаҳон банки ҳисобидан жиҳозлар келиши кутилмоқда.

**II КОМПОНЕНТ (Ўқитиш ва тажриба орттириш ишлари)**

Ҳозирги кунгача 141 та ҚВА-ФАП, ҚВП-ФАП, ҚУШ-ФАП комплексларида 282 нафар врач фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан 131 нафари ўн ойлик ўқув курсида ўқиб, умумий амалиёт шифокори номи билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Шифокорлардан 41 нафари эса бугунги кунда ўқув курсларида ўқимоқдалар. Қолган шифокорларни ҳам ўқитиш режалаштирилган. Вилоятимиздаги ҚВПда ишлаган врачлардан ташқари 25 нафарини ЖССТнинг қисқа дастури бўйича Тошкент шаҳрида, 45 нафарини Навоий шаҳрида, 45 тасини Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўқитган бўлсак, ҳамшираларнинг 60 таси Навоий тиббиёт коллежида ва 364 нафари туманларнинг марказий шифохоналари ёнида ташкил этилган ўқув курсларида ўқиб чиқдилар. Ўқитув ишлари давом этмоқда. Шунингдек, 2000 йилда 6 нафар, 2002 йилда ҳам 6 нафар умумий амалиёт шифокорлари Эстония давлатида бўлишиб, ҳамкасбларининг тажрибалари билан ўртоқлашиб қайтдилар. Яна 6 нафар шифокор Эстонияга жўнатилиш арафасида турибди.

«Саломатлик» дастурини янада сифатли бажариш мақсадида йил давомида 15 та семинар ўтказдик. Семинарларда «Саломатлик» дастури билан боғлиқ бўлган раҳбарлар, врачлар тўлиғича иштирок этдилар. Дастурни ҳаётга татбиқ этишда иштирокчиларнинг сонини кўпайтириб, жавобгарликни ошириш мақсадида, ҚВП жойлашган қишлоқларда, жамоа хўжалиги, фуқаролар йиғини, хотин-қизлар ва касаба уюшмаси қўмита раисларидан ёрдамчи ва маслаҳатчи гуруҳлар ташкил этдик. Гуруҳ аъзоларига дастурнинг мақсади ва асосий вазифалари нимадан иборат эканлигини тушунтирдик, биргалашиб ҳар қайси ҚВП учун биз-

(Давоми 4-бетда).

«Саломатлик» лойиҳаси
Project «Health»
Здоровье
Правительство Республики Узбекистан
Международный банк реконструкции и развития
Проект в стадии реализации № 29
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ № 2

# НАЗОРАТСИЗ САМАРА БЎЛМАС

(Давоми. Боши 3-бетда).
нес режа туздик. Ҳозирги кунда гуруҳ аъзолари ҚВПларнинг қурилишида, жиҳозланишида ва олдига қўйилган вазифаларни бажаришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бу борада:

– ҚВПлар фаолиятида керак бўладиган ҳужжатлар тўпламини тузиб, ҳар қайси ҚВПга етказганлигимиз сабабли ҚВП врачларининг иши янада яхшиланди, ижобий силжишлар бўлди.

– 1996-2001 йилларда дастурни вилоятимизда ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги маълумотлар тўпламини туздик ҳамда таҳлил қилиб, ҚВПларга фойдаланиш учун тарқатдик.

ҚВП врачларини назорат майдонидан йўқотмаслигимиз ва улар билан бевосита учрашиб, ҳамма саволларга жавоб бериш мақсадида ҳар чоракнинг охирги жума кунини ҚВП врачлар куни деб эълон қилдик. Шу куни вилоят ҳудудида ишлаб турган ҚВП мудирлари, молия менежерлари вилоятда «Саломатлик» дастурини ҳаётга татбиқ этиш бюросига келадилар. Ўзлари билан бир чоракда бажарилган иш ҳисоботини олиб, йиғилишда ҳамма янгиликлардан бохабар бўлишиб, фаолиятларида муаммо бўлиб турган саволларга жавоблар оладилар ва ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар.





ҚВПлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг тажрибасини бошқа ҚВПларга тарғиб қилиш мақсадида 2000-2002 йилларда ҚВПлараро конкурс ўтказиб, меҳнатларига яраша ўрин ажратиб, мукофотлар бердик. Бу ҳам ишлардаги натижаларнинг нечоғлик олға сурилишига имкон берди десам хато қилмаган бўламан.

### III КОМПОНЕНТ (Режалаш, молиялаштириш ва бошқариш)

ҚВПларни молиялаштириш учун 3-тажриба, 2-назорат туманлар ҳудудида фаолият кўрсатадиган ҚВПларга бирктилган аҳолини рўйхатга олиб, пулни ёши ва жинсига қараб хисобладик.

Ҳозирги кунда молия ислоҳоти кенгайтирилмоқда. ҚВА, ҚУШ ҳудудида яшаган аҳоли ҳам молия ислоҳотига қўшилди. Тиббиёт ёрдами кўрсатиш учун керак бўлган пул миқдори аҳолининг ёшига ва жинсига қараб ҳисобланди. Молия ислоҳотига қўшилган тиббиёт муассасаларининг сони 61 тага, аҳоли сони 271006 кишига кўпайди. Бу ишимиз қишлоқларда яшаб, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамининг ҳажмини ва сифатини кучайтиришга ёрдам беради.



# ИҚТИСОДИЁТ — ДАВЛАТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

## ХАЛҚ МИННАТДОР

*Толиб ШОДИЕВ – Навбаҳор тумани Охунбобоев қишлоқ врачлик пунктининг менежери.*

**– Мустақиллигимизнинг шарофати билан ҳар биримиз ҳур фикримизга эга бўлдик. Тиббиётимиз тизимида шундай шароитлар яратилдики, бундан асосан халқимиз миннатдор бўлмоқда. Айниқса, Республикамиздаги ҚВПларнинг иш бошлагани биринчидан қишлоқ аҳолисига катта қулайликлар келтирган бўлса, иккинчидан, давлатимиз иқтисодиётига фойда келтирмоқда. Агар мен иш фаолиятимдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсам, «Саломатлик» лойиҳаси доирасидаги ишлар кўлами ниҳоятда кенгайиб, кундан-кунга янгича одимлар ташланмоқда. Қаранг-да, лойиҳа асосан 3-компонент асосида иш олиб бормоқда. Агар ўйлаб қарасангиз булар бир-бирига шундай чамбарчас боғланган-ки, уларсиз олдимиздаги мақсад ва вазифаларни амалга ошира олмаймиз. ҚВП замонавий усулда қурилди, ноёб аппаратлар келтирилди, кадрлар билан таъминланди. Демак, буларнинг ҳаммаси режа асосида бунёд этилди. Қарабсизки, буларнинг ҳаммасини бошида ҳисоб-китоб деганларидек молиялаштириш ишлари турибди. Ана шундай экан ишнинг асосини III компонент – молиялаштириш ташкил қилар экан. Мен ҚВПмизга танлов йўли билан қабул қилиндим. Бу борада Навоий шаҳар тиббиёт коллежи қошида ташкил этилган 10 кунлик ўқув курсида яъни Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессор ўқитувчилари томонидан дарслар ўтдик.**

**Ўтказилган ҳар бир дарс цикллари иш фаолиятимда ниҳоятда қўл келмоқда. Бинобарин, ишим кўпроқ масъулиятни ва назоратни талаб қилади. Чунки ҚВПдаги ишларнинг асосий сарҳисоби кўпроқ менинг фаолиятимга боғлиқ. Жиҳоз дейсизми, кадрлар дейсизми, аҳоли дейсизми, ҳаммаси иқтисодга келиб тақалади. ҚВП ҳудудида яшаётган аҳоли сони аниқланиб, керак бўлган пул миқдори аҳолининг ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда жон бошига ҳисобланди. Хуллас, ҚВП ичидаги ҳамма нарсанинг ҳисоби бўлиб, ҳар бирини ўз ўрнида ишлата билиб, самарадорликка эришишдан иборатдир. Бунинг учун фаолият давомида ҳар бир нарсадан оқилона фойдаланиш зарурдир. Ана шундагина халқимиз соғлиги йўлидаги ишларимиз зое кетмайди, иқтисодиётимизга путур етмайди.**

## БУГУННИНГ ТАЛАБИ

*Ибодулла ИМОМОВ – Нурота туман Марказий шифохонасининг бош иқтисодчиси.*

**– Туманимиздаги 8 та ҚВП, 5 та ҚВА, 5 та ҚУШ, 2 та болалар ва катталар поликлиникаси, 9 та ФАП, 1 та юқумли касалликлар шифохонаси, 1 та сил диспансерларининг ҳисоб-китоб ишларини олиб бораман. Ўзингиз биласиз, биз кўпроқ рақамлар билан иш кўрамиз. Агар битта рақам нотўғри кетиб қолса борми, давлатга катта зарар келтириб қўйишимиз мумкин. Шу тариқа ишимизга масъулан ёндошмасак, бундай хатолар уқувсизлигимиздан далолат беради. Бизда асосан 8 та ҚВПмизга ўзининг ҳуқуқий мақоми берилган бўлиб, Пахта банкдан ҳисоб-рақамлари очилиб молиявий мустақиллик берилган. Бу ўринда асосий бир гапни айтишни жоиз деб биламанки, ишимизнинг бошланиши Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари асосида ҚВП ҳудудида яшайдиган аҳолига нисбатан тузилади ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади ҳамда вилоят молия бошқармаси билан келишилади. Ана шу йўсинда ишларимизни давом эттириб келмоқдамиз. Туманимиз ҳудудида жойлашган ФАП-ҚВА, ФАП -ҚВП, ФАП-ҚУШ комплекслари 1 октябрь 2002 йилдан молиялаштирилиши керак эди. Бугунги кунда комплекслар ҳудудида яшаган аҳоли сони аниқланиб, керак бўлган пул миқдори аҳолининг ёши, жинсини инобатга олган ҳолда жон бошига ҳисоблаб чиқилмоқда. Ҳар бир ишнинг натижаси бўлади деганларидек, аввало бошлаган ишни нечоғлик аҳамиятга молик томонларини режалаштириб, шу асносида фаолиятни юргизиб, виждонан ишлашимиз бугуннинг талабига айланмоқда.**

## АМАЛИЙ ЁРДАМ ЎЗ ЎРНИДА ЗАРУР

*Холмирза НУРМАТОВ – Вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳисобчиси.*

**– Мен тажрибали туманлар – Навоий, Навбаҳор, Нурота туманларидаги ҚВПларда олиб борилаётган молиявий ишларни назоратини олиб бораман. Мана сиз юқорида менежер ва иқтисодчининг фикрларига гувоҳ бўлдингиз. Ҳақиқатда биз кўпроқ рақамларга таянган ҳолда иш кўрамиз. Улар бизга штатларини, сметаларини тузиб келадилар. Биз уларни кўриб чиқиб, ҳисоб бўйича белгилаб берган пулларни қандай ишлатганликларини билиш мақсадида ойлик ҳисобот ҳам квартал ҳисоботга чақириб, биргаликда натижаларни кўриб чиқамиз. Айрим масалалар юзасидан муаммолар туғилиб қолса ҳамжиҳатликда ҳал қилиб, керак бўлса ҚВПнинг ўзида амалий ёрдам кўрсатаман. Асосий хулосага келадиган бўлсак, назоратни ўз вақтида олиб борсак, ишлардаги самарадорлик янада ошиб, аҳолига сифатли ёрдам кўрсата олиш имконига эга бўламиз деб ўйлайман.**

# НЕЧОҒЛИК САМАРАЛИ ЭКАН



***Венера ГАЛЯНОВА – Конимех туман марказий шифохонасининг лаборатория мудири.***

– Умрни гўёки оқар сувга ўхшатадилар. Ҳақиқатан йиллар ўтаверган сари, меҳнатдаги фаолиятингни сарҳисоб қилсанг, инсонларга кўрсатган кароматингдан хурсанд бўлиб кетар экансан киши. Ўттиз йил халқим саломатлиги йўлида хизмат қилдим. Чунки касбимни, яъни лаборантликни жуда яхши кўраман. Фахрланадиган томоним беморнинг асосий таҳлилий натижаларини биз лаборантлар чиқариб берамиз. Бинобарин, таҳлилсиз ташҳис қўйиш тиббиётда кечириб бўлмас хато бўлиши турган гап. Шу боис, лаборантлик ўта масъулият талаб қилади. Қаранг-а, ана шундай талаблар «Саломатлик» лойиҳаси доирасидаги фаолиятда ўзгача ўринга эга бўлмоқда десам ҳам бўлади. Лабораториямизнинг Жаҳон банки томонидан замонавий аппаратлар билан жиҳозланиши ишларимизни янада енгиллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Лабораториямизда 15 нафар ходимларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Мен илк бор Тошкент врачлар малака ошириш институти қошидаги ўқув курсида таҳсил олиб қайтганимдан сўнг тажрибали мутахассисларнинг берган назарий ва амалий машғулотлари нечоғлик самарали эканлигини англаб етдим. Шунинг учун келтирилган жиҳозларни асраб-авайлаб, халқимиз саломатлиги йўлида ишлатишга ҳаракат қиляпмиз. Яна бир хурсандлигимиз келаётган беморларимизга наъмунали хизмат кўрсатаётганлигимиздадир.

## *Кадрлар тайёрлаш*

«Саломатлик» лойиҳаси
Project «Health»
Здоровье
Проект в стадии реализации № 29
Правительство Республики Узбекистан
Международный банк реконструкции и развития
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ № 2

# СЎЗСИЗ ИШЛАЙ ОЛАМИЗ

***Иқлима ЖУМАЕВА – Навоий туман Марказий шифохонасининг лаборатория мудири.***

– Бир нарсани кўрмай туриб бир нарса дейиш қийин экан. Бундан икки йил олдин лабораториямизга Жаҳон банкидан жиҳозлар келар экан деган гаплар тарқалди. Хуллас биз кутган жиҳозлар бирин-кетин кела бошлади. Демак янгича иш бошлашимизга тўғри келди. Чунки бундай чет эл сармоялари билан ишлаш, уларнинг тилини тушуниб кетиш осон эмас эди. Ҳар бир ишни билиб қиладиган раҳбарларимиз борки, шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда ўқув курсларида ўқитишди. Берилган билимлар асосида замонавий аппаратларда иш бошладик. Ҳозирги кунда керак бўлса, барча аппаратларда бемалол ишлай оламиз. 71 минг аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Асосийси халқнинг қалбидан келиб чиққан ҳолда иш кўрмоғимиз лозимлиги ҳар биримизнинг диққат-эътиборимизда мужассамлиги касбимиздаги нуқтанинг нимадан иборат эканлигини кўрсата олиши табиий ҳолат.

# АСРАЙ ОЛИШИМИЗ ЗАРУР

***Султонпошша ҲАЙИТОВА – Навбаҳор туман Марказий шифохонасининг лаборатория мудири.***

– Тиббиёт шундай бир фанки, мен уни сарҳадсиз тоғларга ўхшатаман. Назарий томондан билим олаверасану, амалиётга келганда янгиликлар уммонига кириб бораверасан. Эҳе, ҳали тиббиётнинг қанчадан-қанча очилмаган қирралари бор. Зеро, келажак авлод давом эттирадиган тиббиётимиз занжири ниҳоятда чексиздир. Мен истардимки, бу чексизлик учун пухта замин яратилса. Аввало, Президентимиз И. Каримовга минг бора раҳмат. Бундай эътибордан руҳланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган нуфузли ишлар ҳам ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, «Саломатлик-1» лойиҳасининг тизимга кириб келиши ҳар биримизнинг касб-коримизга бўлган масъуллигимизни янада оширди. Жумладан, лабораториямиздан ўрин олган Жаҳон банки кредити ҳисобидан келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар фаолиятимиздаги муаммолар камайишига олиб келди. Эшик ёнида нажот кутиб турган беморларимиз таҳлилий натижаларини бир зумда чиқариб беришга имкон яратди. Ана шундай тилсиз нажоткор ҳисобланмиш аппаратлардан унумли фойдалангач, уларни кўз қорачиғимиздай асрай олишимиз зарурдир.





# ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПМОҚ ОСОН ЭМАС



**– Бизга хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктидаги тиббиёт ходимлари меҳнатидан миннатдормиз.**

## *Сўровнома*

**Азиз муштарий! Бугун сизнинг эътиборингизга Навоий вилоятининг Конимех туманидаги «Шўркўл» қишлоқ врачлик пункти ҳудудида яшовчи аҳолининг «Саломатлик» лойиҳаси доирасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги фикрларини ҳавола қиламиз.**

***Исми шарифингиз:*** *Ўрозов Амон, 65 ёш.*

***Турар жойингиз:*** *Шўркўл жамоа хўжалиги.*

***ҚВПнинг номи:*** *«Шўркўл».*

**– ҚВПдаги тиббиёт ходимлари сизга қандай хизмат кўрсатмоқда?**

*– Қониқарли.*

**– Бундан 2 йил олдин тиббий хизмат қандай эди?**

*– Аҳолининг тиббий саводхонлиги ошиб, ҚВП тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларимизни очиқ-ойдин баён қила оладиган бўлдик. Хулоса қилиб айтганда, шифокорлар хонадонларимизга ўз уйларидек ташриф буюриб, керакли маслаҳат ва ёрдамларини бериб кетмоқдалар.*

**– Врач билан ҳамширанинг меҳнат фаолиятидаги фарқи қандай?**

*– Ушбу муассаса очилгандан буён врач билан ҳамшира ўртасидаги тафовутни сезганим йўқ. Чунки, врач ҳам, ҳамшира ҳам ўз ишларини пухта биладилар. Лекин тарғибот ишларида ҳамшираларнинг ўрни бошқача эканлиги сезилиб туради.*

**– ҚВПга мурожаат қилганингизда натижа қандай бўлди?**

*– Кўп ҳолларда бетоблигим туфайли ҚВПга боролмай қоламан. Шундай вазиятда шифокор ҳамшира билан биргаликда касалликни даволайдиган, кўрадиган аппаратларигача кўтариб келишади ва муолажани ўша пайтнинг ўзида бошлашади. Қарабсизки, 2-3 кунда соғлигимизда ижобий ўзгариш бўлади.*

**– Уйингизга келаётган ҳамшира қайси мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, касалликлар тўғрисида қандай маълумот ва маслаҳатлар беряпти?**

*– Қон босими, ОИТС (СПИД), саратон, сил, анемия, ошқозон юқумли касалликлари тўғрисида суҳбатлар ўтказишиб, имкон қадар маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатмоқдалар.*

**– ҚВПдаги тиббий асбоб-анжомлар тўғрисида нима дея оласиз?**

*– Бундай тиббий асбоб-анжомларни ўз ўрнида ишлата олаётган мутахассисларга раҳмат. Энди уларни самарали ишлатиш, кўз қорачиғидек асраш тиббиёт ходимларига ҳавола. Бинобарин, иқтисодий қийинчилик даврида бундай ноёб аппаратларни қадрига етиш лозим деб ўйлайман.*

**– ҚВПни фаолият бошлагани сизларга қандай қулайликлар туғдирди?**

*– Сарсонгарчиликлардан қутилдик. Илгарилари уйимиздан бир неча чақирим узоқда турадиган Марказий шифохоналарга қатнар эдик. Эндиликда шу каби муаммоларга чек қўйилди.*

**– ҚВП тўғрисидаги танқидий фикрларингиз.**

*– Танқид келажак меваси деганларидек, энди иш бошлаётган ёш тиббиёт ходимлари ўз касбларига янада масъулроқ ёндошсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.*

«Саломатлик» лойиҳаси
Project «Health»
"Здоровье"
Правительство Республики Узбекистан
Международный банк реконструкции и развития
ПРОЕКТ В СТАДИИ РЕАЛИЗАЦИИ № 29

# РАСПРОСТРАНЕНИЕ ФИНАНСОВОГО ЭКСПЕРИМЕНТА НА ВСЕ РАЙОНЫ ПИЛОТНЫХ ОБЛАСТЕЙ

В соответствии с заемным соглашением, заключенным между Республикой Узбекистан и Международным банком реконструкции и развития в трех областях Республики Узбекистан (Ферганская, Навоийская и Сырдарьинская) реализуется проект «Здоровье» по укреплению первичного звена здравоохранения путем:

- строительства и реконструкции сельских врачебных пунктов (СВП) и оснащения их медицинским оборудованием, аппаратурой, медикаментами и расходными материалами;
- подготовки медицинского персонала нового типа – врачей общей практики;
- совершенствования системы финансирования и управления в учреждениях СВП.

